

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

Қонунчиликдаги янгиликлар

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

2012 йил 10–21 декабрь даврида қабул қилинган, тақдим этилаётган, шунингдек бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтида таънишиб чиқишингиз мумкин.

ХУСУСИЙ БАНКЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ҚОНУНИЙ КАФОЛАТЛАРИ

17 декабрда Президент Ислоҳ Каримов томонидан «Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида» ЎРҚ-339-сон Қонун имзоланди. Эслатиб ўтамиз, ушбу Қонун Қонунчилик палатаси томонидан 2012 йил 8 декабрда қабул қилинган ва Сенат томонидан 5 декабрда маъқулланган. Қонун 18 декабрда «Халқ сўзи» газетасида расмий чоп этилгандан кейин кучга кирди.

Қонуннинг асосий вазифалари хусусий банк ва молия институтларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва банк-молия соҳасига хусусий капитални жалб қилиш учун шарт-шароитлар яратишдан иборатдир.

Хусусий банк муассасалари ва молия институтлари деганда устав фондида (устав капиталида) муассислар (иштирокчилар) бўлган жисмоний шахсларнинг улуши камида 50 фоизни ташкил этиши лозим бўлган банклар ва бошқа кредит ташкилотлари, сугурта ташкилотлари, шунингдек фақат молиявий хизматлар кўрсатувчи ўзга юридик шахслар тушунилади.

Устав фондида (устав капиталида) давлат улуши бўлган юридик шахслар, давлат органлари, шунингдек сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, жамоат фондлари ва диний ташкилотлар хусусий банк ва молия институтларининг муассислари бўла олмайди. Шунга ҳам эътибор бериш керакки, давлат органларининг мансабдор шахслари хусусий банк ва молия институтларида ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас.

Қонундан хусусий банк ва молия институтларини ташкил қилиш тартиби, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, улар фаолиятининг кафолатларига доир меъёрлар ўрин олган, улар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизми тартибга солинган. Янги ҳуқуқий ҳужжатда давлат ҳамда молия хизматлари бозорининг хусусий субъектлари учун тенг шароитлар яратилиши белгиланган. Қонунга биноан давлат хусусий банк ва молия институтларига тенг ҳуқуқларни кафолатлайди ҳамда моддий-техника, молиявий, меҳнат, ахборот ресурсларидан ва бошқа ресурслардан фойдала-

ниш учун тенг имкониятлар яратади. Уларга нисбатан камситишларга йўл қўйилмайди.

Қонун билан хусусий банк ва молия институтлари томонидан молиявий хизматлар кўрсатганлик учун ҳақ тўлаш миқдорини мустақил белгилаш ҳуқуқи белгиланган, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Қонунда таъкидланишича, хусусий банк ва молия институтларининг мол-мулки национализация, мусодара ва реквизиция қилинмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Хусусий банк ва молия институтларининг мулки бўлган мол-мулкни, шу жумладан, ер участкасини улар национализация ва реквизиция қилинган ҳолларда олиб қўйиш, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, хусусий банк ва молия институтларига унинг бозор қиймати, шунингдек бундай олиб қўйиш муносабати билан хусусий банк ва молия институтларига етказилган зарар тўлиқ қоплаши шарти билангина амалга оширилади.

Қонун давлат органлари, бошқа ташкилотлар ҳамда улар мансабдор шахслари хусусий банк ва молия институтларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошираётган фаолиятига аралашмаслигини кафолатлайди.

Назорат қилувчи органлар назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органнинг қарорига биноан улар фаолиятини режали тартибда кўпи билан 5 йилда бир марта текширишга ҳақли. Қонун билан текширишлар таомили ҳам аниқ тартибга солинган. Хусусан, текшириш муддати 30 календарь кундан ошмаслиги ҳамда хусусий банк ва молия институтларининг тўлақонли фаолият юритишига халақит қилмаслиги лозим.

Назорат қилувчи орган режали текширув ўтказишнинг бошланиши ҳақида текширувни ўтказиш бошланишидан камида 30 календарь кун олдин хусусий банк ва молия институтларини, текширувдан ўтказиш муддатлари ва текширув предметини кўрсатган ҳолда, ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Қўзғатилган жиноят ишининг мавжудлиги хусусий банк ва молия институтларининг фаолиятини текширувдан ўтказиш учун асос бўлади. Бунда хусусий банк ва молия институтларининг қўзғатилган жиноят иши билан боғлиқ фаолиятидан таъкирив билан қамраб олиниши

мумкин, бу ҳақда текширув тайинланганлиги тўғрисидаги қарорда кўрсатилиши керак.

РУХСАТ БЕРИШ ТАОМИЛЛАРИ ҚОНУН БИЛАН МУСТАҲКАМЛАНДИ

Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов 2012 йил 20 декабрда «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонунни имзолади, у рухсат бериш тартиб-таомилларининг асосий принциплари ва қоидаларини мустаҳкамлайди. Унинг меъёрлари тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомилларини амалга оширишда бозор иқтисодиёти принципларига мувофиқ бўлган рухсат бериш тизимини барпо этиш ва ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этишга йўналтирилган.

Қонунда қуйидагилар аниқ ва батафсил акс эттирилган:

- тадбиркорлар ва давлат хизматчилари ўзаро ҳамкорлигининг асосий элементлари;
- рухсат этиш хусусиятига эга тегишли ҳужжатларни олиш босқичлари;
- рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни кўриб чиқиш ва бериш муддатлари. Масалан, аризани кўриб чиқиш муддати ўттиз иш кунидан ошмаслиги керак;
- ҳужжатлар рўйхатига қўйиладиган талаблар;
- рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва бекор қилиш тартиби.

Қонунда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беришда «бир дарча» принципи назарда тутилган. Унинг моҳияти шундаки, бундай ҳужжатни бераётган давлат органи зарурат бўлган ҳолларда керакли ҳужжатларни бошқа тузилмалардан ўзи олади ёки улар билан ўзи келишади.

Тадбиркорлик субъекти ваколатли органи рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олишни кўзлаб ёзма равишда хабардор этган ҳолда, у тадбиркорлик субъектининг аризасини кўриб чиқиш муддатида унга рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бермаган ёки беришни рад этган тақдирда ҳаракат қилиши ёки муайян фаолиятни амалга оширишига имкон берувчи меъёр амалдорлар субъектларининг аризаларини кўриб чиқиш муддатларини чўзиши ҳолатларини бутунлай бартараф этишда муҳим ўрин тутди.

Қонунда рухсат бериш тартиб-таомилларидан

Қарор ва ижро

ЧОРРАҲАЛАРГА ВИДЕОКАМЕРАЛАР ҚЎЙИЛМОҚДА

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 2012 йил 21 мартда қабул қилинган «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида АКТ барча соҳаларга изчил татбиқ этилаётир.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда ҳам бу усул яхши самара бераётир. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасида йўл-транспорт ҳодисаларининг марказлаштирилган электрон базаси яратилгани бу йўналишда самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида мазкур бошқарма томонидан ўтказилган матбуот анжуманида шулар ҳақида сўз борди.

Жорий йилнинг ўтган ўн бир ойи давомида мамлакатимиз ҳудудида содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари сони 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 2,9 фоиз камайишига эришилган.

Соҳадаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида тизимга замонавий ахборот технологияларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати тизимида рўйхатга олинган барча **автотранспорт воситаларининг ягона электрон базаси яратилди.**

Айни пайтда йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида содир этилган **маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича марказлаштирилган ягона электрон база** ҳам яратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган «Тошкент шаҳрида йўл ҳаракатини бошқаришнинг компьютерлаштирилган тизимини яратиш» лойиҳаси пойтахт кўчаларида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, қоидабузарликларни автоматик тарзда аниқлаш, қайд этиш ва профилактика ишларини такомиллаштиришга хизмат қиладди. Шу мақсадда чорраҳаларга ҳаракатни назорат қилувчи замонавий техник воситалар, детектор, видеокамера, фоторадар, фиксаторлар қўйилмоқда.

Аксарият йўл-транспорт ҳодисаларига сабаб бўлувчи тезликни меъёридан ошириш ҳолларига қарши курашиш мақсадида 2009 йилдан бошлаб тегишли ҳудудларга фоторадарлар ўрнатилмоқда. Натижада йўлларда оғир оқибатли йўл-транспорт воситалари камайишига эришилаётир.

ЎЗА материали асосида тайёрланди.



ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

1-бетда

Ўтишнинг хабардор қилиш тартиби ҳам назарда тутилган, унда тадбиркорлик субъекти тақдим этган ҳужжатларнинг қабул қилинган санаси қайд этилган ҳолдаги рўйхати рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат саналади.

Қонун билан киритилган янгиликлардан бири тадбиркорлик субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги принципининг ўрнатилиши ҳисобланади, унга мувофиқ рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик субъектларининг фойдасига талқин қилинади.

Қонунда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришни рад этиш асослари аниқ белгиланган. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришни бошқа асосларга кўра, шу жумладан мақсадга мувофиқ эмас деган ваҳлар билан рад этишга йўл қўйилмайди.

ТАННАРХНИ ПАСАЙТИРИШ МАҚБУЛ

Вазирлар Маҳкамасининг 28.11.2012 йилдаги «Саноатда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 333-сон қарори билан компаниялар, уюшмалар ва бошқа хўжалик бирлашмалари ва корхоналарнинг 2013 йилда хўжалик бирлашмалари ва йирик саноат корхоналарида маҳсулот таннархини ўртача 11,2 фоизга қисқартиришга доир таклифлари маъқулланди.

Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом (бундан кейин – Низом, ВМнинг 2010 йил 21 июлдаги 154-сон қарори билан тасдиқланган) билан Маҳаллийлаштириш дастурини шакллантиришнинг ягона мезонлари ва талаблари белгиланган. Уларнинг бирида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни маҳаллийлаштириш даражасини камида 30 фоизга етказиш кўзланган. Махсус идоралараро комиссиянинг қарори билан Маҳаллийлаштириш дастурига истисно тариқасида маҳаллийлаштириш даражаси пастроқ бўлган лойиҳаларни уни 12 ой давомида 30 фоизгача етказиш шарти билан қўшиш мумкин бўлган.

ВМнинг 333-сон қарори билан белгиланишича, технологик жараёнларни рационаллаштириш ва моддий ва энергия ресурслари сарфи меъёрларини мақбуллаштириш ҳисобига маҳсулот таннархини пасайтириш, харид қилинадиган хом ашё, материаллар ва бутловчи буюмлар қийматини пасайтириш, фойдаланиш харажатларини ва қўшимча харажатларни қисқартириш, бир йил учун ходимлар сонини мақбуллаштириш натижасида маҳаллийлаштириш даражасининг пасайиши Низомнинг 2013 йилда бузилиши деб ҳисобланмайди.

Ҳукумат корхоналарда маҳсулот таннархини пасайтириш бўйича қабул қилинадиган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши устидан чорақлик мониторинг олиб

борилишини топширди. Унинг якунлари бўйича корхона раҳбарларини моддий рағбатлантириш ёки уларнинг шахсий жавобгарлиги чоралари қўлланади.

МУҲТОЖ ОИЛАЛАРГА ЁРДАМ

Вазирлар Маҳкамасининг 12.12.2012 йилдаги 350-сон қарори билан кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдамни тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштириш тартибига ўзгартиришлар киритилди. Вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақа тайинлашда ҳисобга олинмаган болаларнинг энг катта ёши 14 ёшгача пасайтирилди. Эслатиб ўтамиз, Вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тўғрисида низомнинг (ВМнинг 10.12.1996 йилдаги 437-сон қарори билан тасдиқланган) 3-бандига мувофиқ нафақа 16 ёшгача (умумтаълим мактабларида, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида таълим олаётган 18 ёшгача) болалари бўлган оилаларга берилган.

2013 йил 1 январдан бошлаб вояга етмаган болалари бўлган оилаларга ҳар ойлик нафақа миқдорлари болалар сонига боғлиқ равишда камайтирилган.

	Энг кам иш ҳақига нисбатда ҳар ойлик нафақа миқдори	
	2013 йил 1 январга қадар	2013 йил 1 январдан бошлаб
бир нафар фарзанди бўлган оиллага	50%	50%
икки нафар фарзанди бўлган оиллага	100%	80%
уч нафар ва ундан ортиқ фарзандлари бўлган оиллага	140%	120%

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги зиммасига:

Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси ва Молия вазирлиги билан биргаликда 2013 йилнинг I чораги мобайнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларини оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ушбу қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган оилаларни аниқлаш масалалари бўйича ўқитиш курслари ўтказилишини ташкил этиш;

бандликни таъминлаш ва иш ўринлари ташкил этишнинг ҳудудий дастурларини амалга ошириш доирасида, энг аввало, қишлоқ жойларнинг ёш оилаларидаги шахсларни ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш юкланди.

Қарор билан Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармасига аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга ажратиладиган бюджет маблағларининг мақсадли ва аниқ тарзда сарфланишини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги комиссиялар фаолиятини ҳар чорақда текширишлар ўтказиш йўли билан назорат қилишни кучайтириш топширилди.

Елена ЕРМОХИНА, эксперт-юристимиз.

Кадрлар бўлими

Институтда давлат гранти ҳисобига ўқиганман. Уни битиргандан кейин 3 йил ишлаб беришим керак. Ўзбекистон ҳудудидаги ҚҚда ишлашим мумкинми?

Р.Худойбердиев.

БЮДЖЕТ ҲИСОБИГА ЎҚИШНИ БИТИРУВЧИ ҚАЕРДА ИШЛАШИ КЕРАК?

– Барча таълим йўналишлари бўйича давлат грантлари асосида таҳсил олган олий таълим муассасалари бакалавр ва магистрлари 2005/2006 ўқув йилидан бошлаб мажбурий тартибда камида 3 йил ишлаб бериш шарти билан таълим муассасаларига, корхона ва ташкилотларга ишга тақсимланади (Кадрларни давлат грантлари асосида мақсадли тайёрлаш тартиби тўғрисида низомнинг 1-банди, бундан кейин – Низом). Иш берувчи ташкилотнинг мулкчилик шакли ҳам, фаолият тури ҳам мазкур банд билан белгиланмаганлиги боис, фикримизча, битирувчи республика ҳудудидаги, ёш мутахассислар қабул қилиниши мумкин бўлган иш жойларини кўрсатган ҳолда олий ўқув юртига кафолатланган талабнома (буюртманом) топширган исталган ташкилотга ишга жойлашишга ҳақлидир.

Агар олий таълим муассасасининг Тақсимот комиссияси битирувчини ўқув йили тугашигача (одатда, 1 апрелгача) буюртманом топширган муайян ташкилотга юборса, у мазкур ташкилотда 3 йил ишлаб бериш шарт. Агар Тақсимот комиссияси битирувчини иш билан таъминлай олмаса, унга мустақил ишга жойлашиш имконияти берилганлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этади (Низомнинг 15-банди).

Шу сабабли иш берувчиларга тавсиямиз шуки, битирувчи ишга қабул қилинаётганда дипломнинг асл нусхаси ўрнига ундан кўчирма тақдим этган тақдирда (бу эса диплом олий ўқув юртида қолдирилганлиги, ёш мутахассис эса бюджет маблағлари ҳисобига тайёрланганлигидан далолат беради), унда олий ўқув юрти берган йўлланма ёки белгиланган намунадаги эркин ишга жойлашиш тўғрисида маълумотнома борлигига ишонч ҳосил қилиш керак (Низомга 2, 3-иловалар).

Низомда йўлланмага кўра ишга жойлашиш талабини бажармаганлик учун битирувчининг жавобгарлиги кўрсатилганлигига эътиборингизни қаратамиз (Низом 27-бандининг иккинчи хатбоши). Бироқ бирорта амалдаги меъёрий ҳужжатда ушбу бандни бузганлик учун жазо тури ва миқдори белгиланмаган.

Олий ўқув юрти томонидан 3 йил ишлаб беришга юборилган ёш мутахассисни бунга мажбур этиш учун, фикримизча, иш берувчи у билан тузиладиган меҳнат шартномасига уни муддатидан аввал бекор қилганлик учун неустойка тўлаш бандини киритиши мумкин (Меҳнат кодексининг 104-моддаси).

Римма СОЛОДОВНИКОВА, эксперт-юристимиз.

ИВ, ОЎМТВ, ХТВ ва МАИМКВнинг АВ томонидан 6.08.2005 йилда 1506-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

УШБУ СОНДА:

✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- Янги ҳужжатларни тақдим этиш
- Бюджет ҳисобига ўқишни битирувчи қаерда ишлаши керак?
- Валюталар курси 1-2-бетлар
- ✓ **АУДИТОР ХАБАРНОМАСИ**
- Ёш бўлса-да, энг яхши аудитор
- Янги поғонага чиқиш йўлида
- Лавозимга муносиб бўл

– Баҳолашни такомиллаштириб бориб


- Талаб билан таклиф ўртасида
- Аудитга ботиний назар
- Аудиторлик компанияларидан хабарлар **3-6-бетлар**
- ✓ **ХЎЖАЛИК ҲУҚУҚИ**
- Акциядорлар ажралганда **7-бет**
- ✓ **КРИМИНАЛИСТ ЭКСПЕРТ ЁН ДАФТАРИДАН**
- Битта қилмиш учун икки марта жазоламайдилар **8-бет**

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	21.12.2012	1	0,7848	1	1,0355	1	0,0255
Арманистон	21.12.2012	1	405,52	1	536,62	1	13,19
Беларусь	21.12.2012	1	8550,00	1	11310,00	1	278,00
Грузия	21.12.2012	1	1,6548	1	2,1919	1	0,053799
Қозғистон	21.12.2012	1	150,49	1	198,93	1	4,90
Қирғизистон	21.12.2012	1	47,4183	1	62,7083	1	1,0173
Латвия	24.12.2012	1	0,5320	1	0,7078	1	0,0174
Литва	24.12.2012	1	2,6127	1	3,4528	10	8,4917
Молдова	21.12.2012	1	12,1037	1	16,0478	1	0,3945
Тоҷикистон	21.12.2012	1	4,7607	1	6,2936	1	0,1561
Ўзбекистон	25.12.2012	1	1984,00	1	2620,31	1	64,58
Украина	21.12.2012	100	7,9930	100	10,58752	10	0,25986
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246
Россия	24.12.2012	1	30,7194	1	40,5619	-	-

Манба: www.prime-tass.ru

Аудитор хабарномаси



Ўзбекистон
аудиторлар
палатаси

Газетамиз таҳририяти Ўзбекистон аудиторлар палатаси билан ҳамкорликда «Аудитор хабарномаси» рўқни остида туркум мақолаларни мунтазам равишда чоп этиб боришни режалаштиряпти. Унда Ўзбекистон ва хориждаги аудиторлик фаолияти масалалари ёритиб борилади. Рўқнинг асосий мақсади аудиторлар ва уларнинг хизматларидан фойдаланувчиларни аудитнинг ривожланиши ва такомиллашуви ҳақида хабардор қилиш, аудит ўтказиш тажрибаси ва кўникмаларини баҳам кўриш, ушбу соҳадаги муаммоларни муҳокама қилиш ва уларни ҳал этишга доир таклифларни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Рўқнинг илк сонини тақдим этарканмиз, аудиторлик ташкилотлари ва уларнинг хизматларидан фойдаланувчи хўжалик юритувчи субъектларни материалларни тайёрлашда фаол иштирок этишга чорлаб қоламиз.

Ушбу сонда:

• Ёш бўлса-да, энг яхши аудитор

- Янги поғонага чиқиш йўлида
- Лавозимга муносиб бўл
- Баҳолашни такомиллаштира бориб

- Талаб билан таклиф ўртасида
- Аудитга ботиний назар
- Аудиторлик компанияларидан хабарлар

ЁШ БЎЛСА-ДА, ЭНГ ЯХШИ АУДИТОР


«Ўзбекистоннинг энг яхши аудитори-2012» танловида* «FTF-AUDIT» компанияси аудитори Леонид Матвеев биринчи ўринни эгаллади. У I даражали дипломга сазовор бўлди. Унга ноутбук – ушбу йиллик профессионал танловнинг ҳомийси бўлган таҳририятимиздан қимматли соврин топширилди.

Леонид – Ўзбекистоннинг нафақат энг яхши, балки энг ёш аудиторларидан (эхтимол, энг ёши) бири. У бор-йўғи 5 йил аввал – 2007 йилда Тошкент молия институтининг ҳисоб-иқтисод факультетини «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» ихтисослиги бўйича тугатди.

Талабалик пайтидаёқ у аудит билан шуғулланишни мақсад қилиб олган эди. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг ички аудит хизматида 3 йил аудитор ёрдамчиси бўлиб ишлаганида эса унинг ушбу хоҳиши янада мустаҳкамланди. Бир йил ўтибоқ орзусига етиш ниятида имтиҳонларни муваффақиятли топшириб, САР сертификатини олди.

Ташқи аудиторлик текширувини ўтказиш чоғида ёш аудитор Ўзбекистонда таниқли «FTF-Аудит» компанияси директори Феруза Фаниевна Фуломованинг назарига тушди. 2010 йилда Матвеевни ўз фирмасига таклиф этганда у бир лаҳза ҳам иккиланмади. Чиндан ҳам, нафақат муваффақият қозонган аудитор, балки дарсликлари бўйича ўзи таҳсил олган олим кўл остида ишлаш тақдирнинг туҳфаси бўлди, деб ҳисоблайди Леонид.

2010 йилда таҳсил олиб, имтиҳонларни топширгач,



аудитор сертификатини олди – аввалроқ буни қилиб бўлмас эди. Зеро сертификатлаштириш учун тегишли ишда 3 йиллик тажриба бўлиши

талаб қилинади.

Ўтган йиллар ичида ёш мутахассис мустақил равишда бир талай аудиторлик текширувларини ўтказди,

*Танлов Молия вазирлиги кўмағида ўтказилди. Аудиторлар палатаси, Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий уюшмаси, Бухгалтерлар, аудиторлар ва маслаҳатчилар федерацияси, «Солиқ ва божхона хабарлари» ҳамда «Солиқ инфо» газеталари таҳририятлари унинг ташкилотчилари бўлдилар. «CIPAEN UZ» МЧЖ техник ёрдам кўрсатди.

кўпгина жамоавий текширувларда қатнашди. Улар жумласида Тошкент метрополитени, «Трансгаз» акциядорлик компаниясида ўтказилган аудитни қайд этиб ўтиш мумкин. «Трансгаз» АҚдаги аудит битта эмас, балки республиканинг турли минтақаларидаги бир нечта аудиторлик ташкилотларининг кўп вақти ва эътиборини талаб қилди. Қолаверса, аудиторнинг кўп вақти хизмат сафарларида ўтади.

Ушбу йиллар давомида ёш аудитор ўз билимини мунтазам ошириб борди: миллий ва халқаро стандартларни ўрганди, турли семинарларда иштирок этди, CIPA сертификатини олиш учун имтиҳонларга тайёрланди, қонун ҳужжатларидаги ўзгартиришларни синчиклаб кузатиб, уларни таҳлил қилди. Бунда нафақат янги ҳужжатларни, балки уларга шарҳларни ҳам тезкорлик билан жойлаштирувчи «Norma» АҚТ ва шу номли сайт катта ёрдам кўрсатганини эътироф этди.

«СБХ»да «Ўзбекистоннинг энг яхши аудитори-2012» танловининг биринчи босқичи ҳақидаги эълонни ўқиб, Леонид ўзини синаб кўришга аҳд қилган экан. Ҳозир саволларнинг ҳаммасига ҳам дарҳол жавоб топишга

муваффақ бўлмаганлигини тан олади. Бунинг учун китобларни варақлашга ҳам, ҳамкасблар билан маслаҳатлашишга ҳам тўғри келган.

Танловнинг биринчи турида 97 аудитор ўз жавобларини юборган, улардан 36 нафари иккинчи турга ўтган, амалда эса 28 киши иштирок этди. Улар орасида Леонид Матвеев ҳам бор эди. Бу ерда комиссия аъзоларининг мураккаб саволларига чекланган вақтда жавоб беришлари лозим бўлди. Кейинчалик жавоблар устида ўйлашда давом этиб, бу жавобни бундай ёзишим керак эди, мана бу ерда эса фалон низомнинг нормасини унутибман дея афсусланди.

Шу боис 9 декабрда республика миқёсидаги «Ўзбекистонда аудитнинг шаклланиши, ривожланиши ва такомиллашиши» конференциясида иштирок этаркан, «Ўзбекистоннинг энг яхши аудитори-2012» танловида биринчи ўрин, I даражали диплом ҳамда «Солиқ ва божхона хабарлари» газетаси таҳририятдан ноутбук «FTF-Аудит» аудиторлик ташкилоти аудитори Леонид Викторович Матвеевга берилади деб эълон қилинганда, қулоқларига ишонмади.

Ушбу ғалаба унинг ўз касбини тўғри танлаганлигини яна бир бор тасдиқлади.

Клавдия АСТАФЬЕВА.




Аудиторлик компанияларидан хабарлар

ISO 9001:2008 ТАЛАБЛАРИГА МУВОФИҚ

HLB International (Буюк Британия) аудиторлик ташкилотларининг халқаро тармоғи аъзоси бўлган «KONSAUDIT-ADOLAT» аудиторлик компанияси жорий йилда ISO 9001:2008 халқаро стандарти сифат менежменти тизими бўйича сертификатлаштиришдан ўтиб, ўз хизматлари сифатини тасдиқлади.



ОМАД ТИЛАЙМИЗ




Республикада биринчи бўлган «BUXGALTER-AUDIT» бухгалтерия-консалтинг фирмаси ўз ходимларининг малакасини оширди. Жорий йилда компаниянинг 4 аудитори «Сертификатланган бухгалтер-амалиётчи» (CAP) халқаро сертификатлаштириш дастурининг тўрт предмети бўйича, 4 аудитор эса «Сертификатланган халқаро профессионал бухгалтер» (CIPA) дастури бўйича имтиҳон топширдилар. Бир аудитор DiplIFR имтиҳонини топширди.

«Ўзбекистоннинг энг яхши аудитори-2012» танловида «BUXGALTER-AUDIT» ходими Ҳусниддин Турсунов учинчи даражали диплом олди.

БЮЛЛЕТЕНЬ ЧИҚАРИЛАДИ

«Grant Thornton International» халқаро гуруҳи аъзоси ҳисобланган «Grant Thornton» аудиторлик компаниясининг мутахассислари «Doing business in Uzbekistan» ахборот бюллетенини чиқариш устида ишлай бошлашди. Компания раҳбариятининг фикрича, у бўлғуси инвесторларга ҳам, ўз фаолиятини кенгайтиришни режалаштираётган Ўзбекистон компанияларининг раҳбарларига ҳам фойдали бўлади. Бюллетенда қонун ҳужжатларига, шу жумладан солиқ қонунчилигига ўзгартиришлар киритадиган ҳужжатлар чоп этилади.



Реклама

“AMIR-AUDIT” МЧЖ
аудиторлик ташкилоти
28.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия.
ЎЗР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси.

Ўзбекистон
Республикасидаги
барча хўжалик юритувчи
субъектларда аудиторлик
текширувлари ўткази

Малака сертификатли
аудиторларни ишга қабул
қиламиз

Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

Тел.: (+99890) 187-04-68, (+99894) 644-62-23,
296-55-78; факс (8371) 296-52-15



Қонун лойиҳасини тақдим этамиз

ЯНГИ ПОҒОНАГА ЧИҚИШ ЙЎЛИДА

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг¹ бугунда амал қилаётган таҳрири қарийб 13 йил аввал қабул қилинган эди.

Қонун илгари амал қилган, ушбу соҳани тартибга соладиган норма ва қоидаларни тизимга солиш ва ўша пайтда ягона қонунчилик базасини барпо этиш имконини берди. У амал қилган бутун вақт мобайнида унга аудиторлик фаолиятини тартибга солишни такомиллаштириш мақсадида ўзгартиришлар киритилди, улар умумқабул қилинган халқаро тамойилларга мувофиқ келади.

Шу билан бирга ушбу соҳанинг ислоҳ қилиниши миллий ва халқаро аудит стандартларининг мувофиқлиги масалаларини олдинги ўринга олиб чиқди. Уларнинг долзарблиги иккала стандартларни узлуксиз такомиллаштириш ва халқаро стандартларни Ўзбекистон аудити амалиётига жорий этиш заруратидан келиб чиқади. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги етакчи мутахассислар, амалиётчи ва тадқиқотчилар, турли илмий мактаблар вакилларининг кўп йиллик меҳнати натижасида шакллантирилган стандартлар иқтисодийнинг ҳозирги шароитларида аудиторлик фаолиятини юритиш қоидаларини мустақамлайди ҳамда аудитни ривожлантириш ва бутун дунёда тартибга солиш тажрибасини ҳисобга олади.

Шунингдек Ўзбекистонда аудитни ривожлантириш «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун нормаларини кейинги вақтда қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг, масалан, «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида», «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида» ва бошқа қонунларнинг талабларига мувофиқлаштиришни тақозо этаётгани шубҳасиз.

Аудитни янада такомиллаштириш мақсадида Президентнинг 26.11.2010 йилдаги ПҚ-1438-сон қарори ва Президентнинг 14.01.2011 йилдаги Ф-3557-сон фармойишига мувофиқ «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар тайёрланди. Булардан кўзланган мақсад амалдаги аудит тизимини халқаро аудит тамойилларига мувофиқ куйидагилар ҳисоби-га ўзгартириш ҳисобланади:

Қонуннинг қўлланиш соҳасини аниқлаштириш ва «аудиторлик хизматлари» ҳамда «аудиторнинг малака сертификати» тушунчаларини белгилаш;

аудиторлик таомилларини халқаро аудит стандартларига мувофиқ такомиллаштириш;

мажбурий аудиторлик текшируви ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъектлар тоифаларини кенгайтириш;

сифат назоратининг самарадорлигини ошириш ва аудиторларнинг, шунингдек аудиторлик ташкилотлари раҳбарларининг аудиторлик хизматларини кўрсатишда профессионал жавобгарлигини кучайтириш;

аудиторлик ташкилотларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш ва уларнинг мустақиллигини кучайтириш;

аудиторлик текшируви ўтказишда ва аудиторлик ташкилотлари профессионал хизматлар кўрсатиш чоғида амалдаги чекловларни халқаро тажрибага мувофиқ қайта кўриб чиқиш;

республика профессионал жамоат бирлашмаларининг халқаро ривожланиш тамойилларига жавоб берадиган фаолиятини мақбуллаштириш, шунингдек аудиторларни тайёрлаш ва улар малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш ва бошқалар.

Ушбу қўшимча ва ўзгартиришлар тажрибада синалган халқаро принципларга, бошқа мамлакатларнинг амалиётига асосланган. Уларнинг қабул қилиниши:

● аудитнинг қонунчилик базасини такомиллаштириш ва унинг сифатини юксалтиришга;

● мамлакат иқтисодиёти, кўп даражали тадбиркорликни ривожлантириш учун аудитнинг самарадорлигини оширишга;

● мустақил аудит амалиётини такомиллаштиришга;

● молиявий ҳисоботдан манфаатдор фойдаланувчилар учун ахборот хатарини камайтиришга;

● мамлакатимиз аудитининг сифат жиҳатидан янги даражага чиқишини таъминлашга имкон беради.

Равиль САБИРЖОНОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутати.

¹9.12.1992 йилдаги 734-XII-сон (26.05.2000 йилдаги 78-II-сон Қонун билан тасдиқланган таҳририда).



Аудиторлик компанияларидан хабарлар



ЭНДИ МУБОРАҚДА ХАМ

Октябрда «MARIKON-AUDIT» ISO 9001:2008 бўйича кузатув аудитидан ўтиб, фаолияти ва хизматлари сифати халқаро стандартга мувофиқлигини тасдиқлади.

1 ноябрда эса у Қашқадарё вилоятидаги Муборак туманида яна бир филиал очди.

ЛАВОЗИМГА МУНОСИБ БЎЛ

Жамиятда аудиторлик ташкилотининг обрў-нуфузи кўп жиҳатдан унинг раҳбарига боғлиқлиги шубҳасиз. Зеро фаолиятнинг муваффақиятли бўлиши аввало бизнесни тўғри бошқаришни таъминлайди.

Аудиторлик компанияси раҳбари ва унинг мажбуриятларига қўйиладиган талаблар жуда юқори – бу нарса биринчи навбатда айнан унинг аудиторлик хулосасини имзолаши, яъни хулосанинг ишончлилиги ва объективлигини тасдиқлаши билан боғлиқ. Аудиторлик ташкилотлари раҳбар кадрларининг малака доирасини белгилаш учун Молия вазирлиги вақти-вақти билан аттестация ўтказди.

Аттестацияга тайёрлаш мақсадида уни ўтказишдан бир ой аввал Молия вазирлиги томонидан аттестация саволларининг намунавий рўйхати юборилган эди.

24–28 сентябрь ва 26 ноябрда ўтказилган аттестацияларга ушбу лавозимда 6 ойдан кўпроқ иш стажига эга бўлган **98 раҳбар** киритилган.

Яқунларга кўра, улардан **81 раҳбар** эгаллаган лавозимларига **мувофиқ келади**, бунда **54 нафари** иккинчи мартаба аттестация қилинган.

14 кишининг ўз лавозимига мувофиқ эмаслиги тасдиқланди, улар жумласида Тошкент ва Фарғона вилоя-

тидаги **икки** аудиторлик ташкилотининг раҳбари бор, улар аттестацияга келишмади ва келмаслиқнинг узрлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларни тақдим этмадилар. Энди улар икки йил мобайнида аудиторлик ташкилотига раҳбар бўлишга ҳақли эмаслар.

Қашқадарё вилоятидаги **бир** аудиторлик ташкилотининг раҳбари ҳозир бўлмаганликнинг узрлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларни икки мартаба тақдим этди – у навбатдаги аттестацияга киритилди.

Икки аудиторлик ташкилоти раҳбари – Тошкент ва Хоразм вилоятида – аттестациягача бошқа лавозимларга ўтказилган (**бири** – ишлаб чиқариш зарурати муносабати билан, **иккинчиси** – аудиторнинг малака сертификати амал қилиш муддати тугаши туфайли), бу ҳақда Молия вазирлиги хабардор қилинди.

Ҳасан ҚОСИМОВ,
Молия вазирлигининг
аудит услубияти бўлими бошлиғи.



Аудиторлик компанияларидан хабарлар

РЕЖАЛАР КАТТА

Ноябрь ойи охирида «Baker Tilly International» халқаро тармоғи ўзининг янги аъзоси – «BAKER TILLY UZBEKISTAN» тақдимотини ўтказди.



BAKER TILLY
UZBEKISTAN

Тақдимот Америка-Ўзбекистон савдо палатаси (AmCham) ҳомийлигида ўтказилди. Халқаро компания бизнесни баҳолаш, IT технологиялари, маркетинг тадқиқотлари, бизнес хавфсизлиги ва форензик (молиявий текширувлар) соҳаларида хизматлар кўрсатиш, бошқарув ва корпоратив консалтинг, шунингдек Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Осиё тараққиёт банки, USAID ва бошқа халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни ривожлантиришга доир режалари билан таништирди.

Октябрь ойида Пекинда «Ҳамкорлик воситасида алоқаларни мустаҳкамлаш» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди, унда «BAKER TILLY TASHKENT» ходимлари иштирок этдилар. Унда аудиторлик ва бухгалтерия компанияларининг вакиллари халқаро солиқ солиш, халқаро корпоратив молия соҳасида бизнесни ривожлантириш ва бошқа кўплаб соҳаларда билимларини оширдилар. Улар Хитой Халқ Республикаси, глобал иқтисодиёт, инвестициялар, бухгалтерия амалиётини ривожлантириш борасидаги кўплаб янгиликлар билан ҳам танишдилар, халқаро тармоқдаги аъзолик имкониятларини максималлаштириш ва жаҳон миқёсидаги рақобат шароитида тақдим этилаётган хизматлар сифатини яхшилаш тўғрисидаги билимларини оширдилар.

АЛЬЯНСГА АЪЗО БЎЛДИЛАР

Август ойида «Tsiar-Finans» аудиторлик компанияси Geneva Group International (GGI)нинг мустақил аъзоси бўлди.

GGI Швейцарияда рўйхатдан ўтказилган бўлиб, мустақил профессионал компанияларнинг кўп йўналишли альянслари оламида энг йирик альянслардан бири ҳисобланади. GGI билан ҳамкорлик компания мутахассисларига



TSIAR-FINANS

аудит ва бошқарув консалтинги соҳасида энг янги услубий материаллардан фойдаланиш, шунингдек ғарблик обрўли мутахассисларни миллий лойиҳаларда иштирок этишга жалб этиш имконини беради.



Аудиторлик компанияларидан хабарлар

ҲУРМАТГА МУНОСИБ ТАРМОҚДА


Сентябрь ойида Пекинда «Kreston International» тармоғининг аъзолари ҳисобланган мустақил аудиторлик ташкилотларининг 41-халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Унда 200 дан ортиқ делегат иштирок этди. Улар орасида Ўзбекистондаги «DOK-AUDIT» аудиторлик компаниясининг вакиллари ҳам бор эди.

Конференцияда «Kreston International» бошқармаси ўтказадиган йиллик текширувлар натижалари таҳлил қилинди. Иштирокчилар тармоққа кирувчи аудиторлик ташкилотларининг ички стандартларига қўйиладиган қўшимча талаблардан хабардор қилинди. 2013 йил январь ойида халқаро тармоқ назоратчилари «DOK-AUDIT» МЧЖ хизматлари сифатини текширадилар.

Шу ўринда «DOK-AUDIT» компанияси шу йилнинг март ойида Лондонда International Accounting Bulletin's (IAB)нинг нуфузли мукофотини олгани, Kreston International эса «Тармоқ-Чўлпон юлдузи» унвонига сазовор бўлганини ҳам маълум қилиб ўтади.

**ХАС ЎЗБЕКЧА СЎЗЛАЙДИ**

Ўзбекистон аудиторлар палатаси ҳамда Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий уюшмаси халқаро аудит стандартларини ўзбек тилига таржима қилиш дастурини амалга ошира бошлашди. Бу аудиторлик хизматлари сифатини оширишга, аудиторлик ташкилотлари фаолиятида ХАСни қўллаш воситасида халқаро ҳамжамиятга интеграциялашуви-ни жадаллаштиришга, уларнинг мижозлар базасини кенгайтиришга хизмат қилади.

**БАҲОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРА БОРИБ**

Республикада аудиторлик фаолиятининг рейтинг баҳоланиши 5 йилдан бери ўтказилади. Шу вақт ичида бир нечта баҳолаш услубиятлари қўлланди. Уларнинг ҳар бирида тарафдорлар ҳам, муҳолифлар ҳам бўлган. Ушбу мунозаралардаги асосий мавзу – ҳар бир кўрсаткич аудиторлик ташкилотининг ҳолати, унинг хизматлари сифати, компаниянинг салоҳиятини аниқ акс эттириш-эттирмаслиги ҳақида. Ҳозирга қадар қўлланган услубиятлардаги кўрсаткичлар аудиторлик ташкилотлари имижини ва амалий обрў-эътиборини, улар миқёсларини етарлича ишончли акс эттирмаган. Янада ишончли баҳолашларни таъминлаш учун кўрсаткичларни комплексда қўллаш зарур. Бунинг учун рейтинг баҳолаш услубиятига янгича ёндашиш таклиф қилинади.

Рейтинг компанияси аудиторларнинг профессионал жамоат бирлашмалари билан биргаликда хизматлар бозорининг турли сегментлари учун ягона стандартни ишлаб чиқиши мумкин. Бу ҳам бутун тармоқнинг, ҳам ҳар бир сегмент ва алоҳида компаниянинг поғонали таҳлилининг ўтказиш имконини беради, унинг асосида эса аудит, консалтинг ва бошқаларнинг ривожланиш комплекс прогнозини тузиш мумкин бўлади.

Баҳолаш услубиятининг асоси рейтинг матрицаси бўлиши керак, ундан интеграцияланган базавий кўрсаткичлар – миқдорий ва сифат тавсифлари, ички ва ташқи корпоратив захиралар баҳоси, рақобат афзалликларининг қиёслаш таҳлилининг ўрин олади. У аввало мезонларнинг икки гуруҳига асосланиши керак.


Биринчи гуруҳ – аудиторлик компанияси тўғрисида ички корпоратив ахборот комплекси бўлиб, унга молиявий фаолиятнинг асосий кўрсаткичлари ва ички захира омилларини киритиш мум-

кин. Иккинчи гуруҳ – унинг амалий фаоллигининг ташқи намоён бўлишлари. Ушбу гуруҳга ташкилотни ривожлантиришга (олға суришга) йўналтирилган маблағлар улуши ва ташқи захира омиллари киради.

Интеграцияланган рейтинг матрицасига бирлаштирилган мезонлар ушбу икки гуруҳининг бирикуви ҳар бир аудиторлик ташкилотининг ишлаб чиқариш салоҳияти тўғрисида етарлича тўлиқ тасаввур беради, уларнинг рейтинг жадвалларига келтирилган жамлиги эса уларнинг бўйсира тартибининг акс эттиради.

Бундай ёндашув аудиторлик хизматлари буюртмачиларига энг мақбул бизнес ҳамкорини танлашни янада аниқроқ белгилаш имконини беради.

Озод МАШАРИПОВ,
«Аудитрейтинг» МЧЖ
ижрочи органининг раиси.



ТАЛАБ БИЛАН ТАКЛИФ ЎРТАСИДА

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунда мажбурий ва ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувлари назарда тутилган. Аудиторлик ташкилотини танлаш учун хўжалик юритувчи субъектлар тендер ўтказиб, бу ҳақдаги эълонларни оммавий ахборот воситаларида жойлаштирадilar. Ўз навбатида кўпгина аудиторлик фирмалари аудиторлик хизматлари кўрсатиш таклифларини тарқатадилар, ўзлари ҳақида ОАВ, Интернетдаги сайтларда ахборот берадилар. Кўриб турганимиздек, бугунги кунда бозорда аудиторлик хизматларига талаб ҳам, таклифлар ҳам бор. Бунда қандай қилиб тўғри мўлжал олиш мумкин?

Миллий стандартлар бўйича аудиторлик текширувларини ўтказишнинг бир нечта мақсади мавжуд. Улардан энг кўп учрайдиганлари:

I мақсад – келгусидаги солиқ ва бошқа органларнинг текширувларида ҳуқуқбузарликлар аниқланмаслиги учун сифатли аудит ўтказиш, ҳисоб ва ҳисоботдаги барча хатоларни тузатиш;

II мақсад – мажбурий аудит ўтказиш ва ижобий аудиторлик хулосасини олиш;

III мақсад – банк кредити ёки дивидендлар олиш учун зарур ижобий аудиторлик хулосасига эга бўлиш учун аудит ўтказиш.

Тендерни ташкиллаштириб, унда бир тўхтама келиш ана шу ва бошқа мақсадларга боғлиқдир.

Иккинчи ва учинчи ҳолларда солиқ органлари ёки банкка тақдим этиш учун фақат ижобий хулоса талаб қилинади. Хўжалик юритувчи субъект кўпинча имкони борича паст нарҳда аудиторлик ташкилотини ёллашни хоҳлайди, уни бухгалтерия ҳисоби ҳамда солиқ солишдаги хатолар қизиқтирмайди. Афсуски, ўз келажаги тўғрисида ўйламайдиган баъзи аудиторлар даромад олишни кўзлаб бундай ишни олишга рози бўладилар. Бу аудит билан ҳеч қандай муштаракликка эга эмас. Қонунда бундай ташкилотлардан лицензияни олиб қўйиш ва бундай «текширув» ўтказган аудиторлар ҳамда аудиторлик компанияси директорини сертификатлардан маҳрум қилиш назарда тутилган. Биз ҳам бундай «аудиторлар»ни қандай қилиб танлаш тўғрисида тавсиялар бермаймиз.

Биринчи мақсад эътиборга лойиқ. Унга эришиш учун муносиб аудиторлик ташкилотини танлаш керак. Бугунги кунда кўпгина хўжалик юритувчи субъектлар учун хизматларга сўраладиган гонорарнинг миқдори асосий мезон ҳисобланади: у қанча кам бўлса, шунча яхши. Бироқ мазкур ҳолда бизнеснинг асосий қонуни: «нарх-сифат» нисбати ва «Мен арзон буюмлар сотиб оладиган даражада бой эмасман» нақли унутиб қўйилади. Энг «арзон» аудиторлик таш-

килотини танларкан, хўжалик юритувчи субъект текширувни пухта таълим олмаган, етарли амалиётга эга бўлмаган аудитор ўтказишини англаши керак. Ушбу ташкилот ўз миջозини кейинги текширувларда ҳимоя қилмайди, чунки бундай ишлар қиймати ушбу лойиҳа калькуляциясига киритилмаган бўлади. Бунинг устига, ҳамма нарсада тежаш мақсадида ички назорат амалга оширилмайди.

Агар хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти ва мулкдорининг ўз хизматларидан кўнгиллари тўқ бўлса: уларда юқори малакали, кейинги текширувларда муаммолар юзага келишига йўл қўймасликка қодир бўлган, агар улар юзага келса ҳам ўзлари ҳал қила оладиган мутахассислар ишлашса, энг «арзон» аудиторлик ташкилотини танлаш ўзини оқлаши мумкин. Бироқ амалиётнинг кўрсатишича, ҳисоб ва ички назоратни йўлга қўйиб олган бундай субъектлар аудиторлик текширувига катта талаб қўядилар. Раҳбарият қонун ҳужжатлари ўзгармай турмаслиги ва мустақил аудитор вазиятга бошқа нуқтаи назардан қараш, одатланилганидек тўғри кўринса-да, ўзгарган талабларга мувофиқ келмай қолган жиҳатларни аниқлаш имконини беришини тушунади.

Хўжалик юритувчи субъектлар аудиторлар кўп пул сўраб, ўзлари эса бирламчи ҳужжатларни кўрмаслиги, барча хўжалик операцияларини текширув билан қамраб олмаслиги, хатоларни тузатиш мақсадида консалтинг хизматлари кўрсатмаслиги ҳамда бошқарув ва ички назорат самардорлигини ошириш бўйича тавсиялар бермаслиги борасида эътироз билдиришлари мумкин. Улар 1С дастуридан олинган аудиторлик ҳисоботини ёзиш билан чекланадилар.

Бундай эътирозлар юзага келмаслиги учун аудиторлик ташкилотини тўғри танлаш, унинг вазифаларини аниқ белгилаш ва уларни ҳал этишга тайёр туриш лозим. Бунда аудиторлик ташкилотлари одатда масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар ёки хусусий корхоналар шаклида фаолият юритадиган тижорат корхоналари бўлишини унутмаслик керак. Яъни уларнинг мулкдорлари устав капиталига қўйилган маблағлардан дивиденд олишлари керак, унинг миқдори эса ҳозирги вақтда ЭКИХнинг 5 000 баравари ёки қарийб 400 млн сўмга етади.

Хуллас, аудиторлик ташкилоти билан аудиторлик текширувини ўтказишга шартнома тузишдан аввал унинг имкониятларини ўрганишингиз керак бўлади.

Аудиторлик текширувини олдиндан режалаштириш, аудитор гонорари, ишларни бажариш муддатларини белгилаш учун қуйидагиларни қилиш лозим:

биринчи – аудиторга текшириши учун техник топшириқ, молиявий ҳисобот ёки у сўрайдиган бошқа ахборотни тақдим этиш. Агар ушбу ахборот махфий ҳисобланса, у билан ахборотни махфий тутиш ҳақида битимни имзоланг;

иккинчи – режалаштирилаётган ишларнинг календарь жадвали, унда иштирок этадиган аудиторларни кўрсатган ҳолда аудиторлик текширувининг дастлабки режасини тузишни илтимос қилинг. Шу тариқа кимлар тек-



ширув ўтказишини кўрасиз, аудиторларнинг сертификатлари мавжудлигини текшира оласиз, вақтни назорат қиласиз ва, асосийси, текширувда қандай масалалар кўрилишини ўрганиб чиқа оласиз. Аудиторлик ташкилотининг буни амалга ошириши мушкул эмаслигини ҳисобга олинг, чунки бундай ҳужжатлар ҳар бир текширув учун тузилади;

учинчи – аудиторлик ташкилотини танлаш учун ваколатли комиссияни тайинланг. Кичик бир мисол келтирмакчиман. Давлат улуши бўлган корхоналардан бирида давлат ишончли вакили: «Нимага аудит учун шартноманинг суммаси бунчалик кўп? Бунча пулга мен сизларга 3 та аудиторлик ташкилотини топиб келишим мумкин» деди. Вазирликнинг кадрлар бўлими раҳбари, ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлган мазкур вакил иқтисодиёт соҳаси мутахассиси бўлмагани боис ҳам лойиҳани суғурталаш, кадрлар малакасини ошириш харажатларини қоплаш сабабини туншунмайди;

тўртинчи – сизга аудитор тақдим этган ахборотни, уни рўйхатдан ўтказишга доир ҳужжатларни, фирма фаолиятининг соҳаси, бозорда фаолият кўрсатаётган вақти, бирги-

на хўжалик юритувчи субъектга хизмат кўрсатган муддати, нуфузли мижозлари, тавсия хатлари бор-йўқлиги, аудиторлик ташкилотлари рейтингидаги ўрнини диққат билан ўрганинг;

бешинчи – аудиторлик ташкилотда сифатнинг ташқи назорати ўтказилган-ўтказилмаганлигини аниқланг. Агар ўтказилган бўлса, уни ўтказган жамоат ташкилотлари:

аудиторлик текширувини ўтказиш услубиятини;

аудиторлар иш сифатини назорат қилишнинг аҳволини;

аудиторлик текширувини ташкил этишнинг бошқа жиҳатларини текширишганлигини ўрганинг;

олтинчи – комиссия кузатув кенгаши аъзолари, бош бухгалтер, иқтисодий хизматлар ходимларининг ўтган даврдаги аудиторлик ҳисоботи тўғрисидаги фикрини, яъни ушбу ҳисоботни қабул қиладиган шахсларнинг фикрини тинглаши керак.

Агар сиз ушбу маслаҳатларга амал қилиб, олинган натижаларни таҳлил қилсангиз, олдингизга қўйилган мақсадга эришиш учун аудиторлик ташкилотини тўғри танлай оласиз.

Марҳамат РЎЗМЕТОВА.

АУДИТГА БОТИНИЙ НАЗАР

Аудитор деганларининг иши бундай қараганда оддийгина. Иш кунлари 10–12 соат мониторга тикилиб ўтиради. Ҳар уч дам олиш кунидан бирида албатта ишга чиқади. Икки ойда бир марта мамлакатимиз бўйлаб 2–3 ҳафталик хизмат сафарига боришга тўғри келади. Аудитор ёрдамчисининг маоши ўрта ҳисобда 350–400 минг, аудиторники эса 700–900 минг сўмга боради.

Аудиторлик ташкилоти ходимининг ўртача меҳнат соати йирик ва ўрта компаниялар бухгалтерниқидан камроққа тушади. Аудитор учун энг қизғин давр аксарият компаниялар йиллик ҳисоботларни тайёрлаб, ҳужжатларни солиқ идораларига топширадиган business season деб юритиладиган палладир. «Иш қайнайдиган мавсум» январь-февраль ойларида бошланиб, май-июнда якун топади. Ана шундай кезлари аудиторлар дам олиш кунларисиз, кунига 12–14 соатлаб ишлашади. Улар ишқилиб иш бўлсин-у ойлик маош сақланмаган ҳолда таътилга чиқариб юборишмасин-да деган ҳадик билан иш вақтидан ташқари ҳам меҳнат қилишга тайёрдирлар. Бу ҳол ҳамма ерда амал қилиб келмоқда. Зотан аудиторнинг иш ҳажми мунтазамлик хусусиятига эга эмас, бинобарин кўпроқ мавсумий тусда бўлади.

Аудиторнинг иши нотаниш одамлар билан тез тил топишиб кетишни, бухгалтерия ҳисобининг энг нозик томонларини билишни, ўзбек, рус ва инглиз тилларини, «1С: Предприятие» ва «MS Excel» дастурларининг ҳамма турлари билан ишлай олиш маҳоратини эгаллаган бўлишни талаб қиладди. Кенг ҳажмдаги ахборотларни эсда тутиши шарт. Бундай ахборотлар оқими шу даражада кенг ва теранки, одамлар баъзан хотирани йўқотиб қўйиш даражасига тушиб қолмоқдалар. Маълумотлар ҳар минутда, узлуксиз ёғилиб келаверади, аудитор эса уларни эслаб қолиши ва таҳлил қилиши шарт. Шу зайил унда ақлий чидамлилиқ тоблана боради.

Ўз соҳасида эксперт бўлиш учун муттасил ўқиб ўрганиб боришга, ҳамиша янги нарсалардан бохабар бўлишга катта истак ва иштиёқ бўлмоғи лозим. Аудитор ҳар 5 йилда сертификат олиш учун имтиҳон топшириши, ҳар йили малака ошириш йўналишида бир эмас, иккита курсдан, яъни аудитнинг миллий стандартлари ҳамда САР халқаро сертификати бўйича ихтисослашган курслардан ўтиши керак.

Аудиторлик ташкилоти раҳбаридан эса ҳар 3 йилда аттестациядан ўтиш талаб қилинади.

Аудитор шунингдек, мақомини баланд тутиш, ишда ҳатоликка йўл қўймаслик ва мижозларга тўғри маслаҳат бериш учун қонун ҳужжатларидаги ўзгартиш ва қўшимчаларни кун сайин ўрганиб боради. Бундан ташқари, мижозининг фаолияти солиқ ва бошқа идоралар томонидан текшириляётганда назорат қилувчи идоралар билан масала моҳиятини муҳокама қилиш, тушунтириш ва изоҳлар беришга тўғри келади. Бу маънавий чиқим, сарфиёт талаб қиладди. Негаки унинг мижози битта эмас, шу боис бу йўсин текширувлар сони йилига йигирматага етиши мумкин.

МИЖОЗНИ ҲАМИША ҲАМ ҲАҚ ДЕБ БЎЛМАЙДИ

Ривожланган мамлакатларда аудиторнинг иши мураккаб ҳисобланмайди. Унинг вазифаси мижознинг ходимларидан қоғозда акс эттирилган ҳисоботни ҳамда компания фаолияти янада тўлиқроқ тавсиф топган электрон файлларни олишдан иборат. Уларда керакли барча ахборотларни беришади. Вазифа буларни яхшилаб текшириб, ҳисоблаб чиқиш, бир-иккита керакли ҳужжатларни талаб қилишдан иборат. Ҳаммаси бир-бирига тўғри келса, ишлар жойида деяверинг.

Ўзбекистонда аудитор кўпинча барча салмоқли суммаларни, ҳисобдан чиқарилган ва ўрнатилган ускуналарни, харид нархларини ниҳоятда синчковлик билан текшириши зарур. Чунки схемаларда ажабтовурлари ҳам учрайди, қолаверса схемага мослаш йўлида зўр беришга ҳам тўғри келади. Баъзан косанинг тагида нимкоса қабилдаги ғалатиноқ битимлар тузилганлиги, тушунарсиз ҳаракатлар қилинганлиги, зарарлар яхши актив сифатида акс эттирилганлиги, шартномалар мубҳам эканлиги кўзга ташланади. Баъзида эса калаванинг учини топиш учун шундай чигалликларни ечишга тўғри келадик, аудиторлик ҳисоботини эмас, бе-

малол детектив жанрдаги асар ёзиш мумкин.

Аудиторлар керакли ҳужжатлар қўлларига теккач, мижозга ҳисобот юритиш усулларига тааллуқли бир туркум саволлар беришади. Иш асосан мижознинг офисида олиб борилади. Иш вақтининг каттагина қисми улкан ҳажмдаги ахборотларни Excel да ишлаш учун қулай шаклга солишга, аудит жараёнларини ҳужжатлаштиришга кетади. Дарвоқе, ҳужжатлаштириш аудит иш вақтининг ярмини олади ҳисоб. Ишнинг ана шу охириги босқичи эса аудиторнинг офисида амалга оширилади.

Баъзан шундай бўладики, мижознинг ходимлари у ёки бу ахборотни беришдан бош тартади, асабийлаша бошлайди, бутун хатти-ҳаракати билан аудиторнинг уларга кераги йўқлигини кўрсатмоқчи бўлади. Баъзан эса аудитор уларнинг билими, укуви, малакасини шубҳа остига қўймоқчи бўлгандек туюлади. Хуллас, аудитор билан мулоқот қилишдан имкон қадар ўзини олиб қочишга уринади.

Шундай мижозлар ҳам учрайдики, уларда ҳамма нарса чалқашиб кетган бўлади, устига-устак масаланинг моҳиятига жилла тушунмайди ҳам. Бундайлар билан ишлаш қийин бўлсада, барибир мароқлидир. Негаки, йўл-йўлакай кўп нарсани ўрганиш, ўзига хос аудит мактабини ўташга тўғри келади.

Аудиторларга катта ва кичик шаҳарлардаги муносабат бир-биридан кескин фарқ қилади. Минтақаларда аудиторни хизмат кўрсатадиган, нафи тегадиган мутахассис деб эмас, балки юқори идоралар томонидан текшириш, хатони топиш ва жазолаш учун юборилган киши деб биладилар. Шу сабабли у ерларда аудиторлардан жуда чўчишади.

Мижознинг ходимлари кўпинча масалани биз яхшироқ биламиз қабилда аудитордан норозироқ бўлишади; жавоб бергилари келмайди, ҳужжатларни кўрсатмасликка ҳаракат қилишади. Бу ҳол, минтақадан қатъи назар, ҳамма жойда учрайди. Аудиторлар дипломат йўсинида иш тутиб, ҳамсуҳбатлари ҳовуридан тушишини кутиб, иложи борича унинг иззат-нафсига тегмайдиган даражада савол беришади. Борди-ю, бу усул ҳам иш бермаса, текширилатган компания раҳбариятига мурожаат этишга тўғри келади. Раҳбарият эса одатда, биринчидан, аудиторлик текшируви зарурлигини тушунади, иккинчидан эса, унинг қўл остидаги ходимлар фаолиятини четдан келган мутахассис холисона баҳолашидан манфаатдордир.

Аудиторнинг мақсади ҳисобот тўғрилигини таъминлашдан иборат. Баъзан шундай бўладики, биз муайян хатоликларни топамиз. Уларни тузатиш натижасида ҳисобот, одатда, мижоз учун ёқимсизроқ тарафга ўзгаради. Табиийки, бу нарса унга ёқинқирамайди, бунини у ўзига оғир олади. Шу сабабли мижозни бунга тайёрлаш, кўнгилсиз янгиликни унга охир-оқибат раҳмат айтадиган тарзда, юрагини чангаллаб қолмайдиган қилиб тақдим эта билиш керак.

Айрим мижозларда ҳисоб очик-ошкора юритилади, назорат тизими хўжакўрсин қабилда эмас, ростмана ишлайди. Бундай мижозлар билан ишлаш осон ва кўнгиллидир. Тўғри, ҳар қандай жойда хато қилиниши мумкин, айрим фирмом, ноинсоф ходимлар ҳам учраб қолади, албатта. Аммо, умуман олганда, ходимлар очик чехра билан мулоқотга киришадилар, ортиқча эътирозларсиз хатоликларни тузатадилар. Ҳар қандай танқидий мулоҳазани хотиржам эшитадилар, таҳлил қилиб кўриб, хатоликни тузатишнинг мақбул йўлини муҳокама қиладилар.

Бундай мижозлар аудитор учун ҳам тақдир тухфаси, ҳам ўзига хос мактабдир. Негаки улар аудиторни ҳам ўз бурчи ва мажбуриятларига масъулият билан муносабатда бўлишга ўргатадилар. Улар аудит жараёнини мунтазам назорат қилиб борадилар, ундан пухтароқ текширишни талаб қиладилар, аниқланган барча камчиликлар ҳақида муттасил хабардор қилиб туришни сўрайдилар. Аудит тугагунига қадар

барча хатоликларни ҳайратомуз тезликда тузатиб улгурадилар ҳам. Айни шундай жойларда ажиб бир корпоратив рух сезилади, иш бир маромда, қизгин давом этади. Бахтимизга, мижозларнинг ярмидан кўпи шундайдир.

МИЖОЗ МИЖОЗДАН ФАРҚ ҚИЛАДИ

Аудиторлар мижозларни талаб нуқтаи назаридан ўзларича икки тоифага бўладилар. Улардан бирига «АУДИТ», бошқасига эса «ХУЛОСА» керак.

Агар компания раҳбарияти хатоликлар тузатилишидан манфаатдор бўлмаса, зарарларини яшираётган, сармоя ҳаракатини аниқ айтмай, чалғитишга уринаётган бўлса, билинги, унга «АУДИТ» эмас, балки ижобий йўналишдаги «ХУЛОСА» керак, холос. Бундай мижоз юзаки таҳлилга одатланиб қолган. «Ўзининг» доимий аудитори одатдагидек, хатоликларни топа олмаслигига ишонади. Аудит учун сарфиётни у пулни ҳавога совуриш деб ҳисоблайди. Аудитдан ўтказиш зарур бўлганлиги учунгина аудиторни ишхонасига таклиф этади.

Бундай компанияга янги, «ёт» аудитор келадиган бўлса, унга мижоз кўлидан келганча тўсқинлик, ҳар хил «туҳфалар» қилишга уринади. Зиммадаги вазифани бажариш, бинобарин керакли ҳужжатларни олиб «АУДИТ» ўтказиш учун аудитор роса мулозамат қилиш ва уддабуронлик кўрсатишга тўғри келади.

Баъзида бундай компаниялар бизнинг ташкилотимизга кўнғироқ қилиб, очикчасига бизга «АУДИТ» эмас, балки «ХУЛОСА» керак дейишади. Мен уларга АУДИТ ўтказилганидан кейингина хулоса беришимиз мумкинлигини айтиб, энг қулай шароитларни, яъни мақбул баҳо ва тезкор текширувни таклиф этаман. Бу гапни эшитгач, кўнғироқ қилган мижоз дом-дараксиз йўқ бўлиб кетади. Афтидан, шу йўсин кўнғироқ қилиш билан у ўзига хос «МАРКЕТИНГ» ўтказиш орқали аудит ўтказмай туриб, юзаки аудиторлик ҳисоботи тайёрлаб ижобий хулоса берадиган аудиторлик ташкилотини топса керак.

Аудитор молиявий ҳисоботдаги маълумотларни бузиб кўрсатишларга ва мижознинг ошкора фирибгарлик ҳаракатларига атайин кўз юмиб қўя қоладиган ҳоллар ҳам учрайди. Энг охириги марта суд қарори билан тайинланган экспертиза ўтказганимда, шундай «аудиторлик айёрлиги»га дуч келган эдим. Аудиторлик ташкилоти салбий хулоса берган. Аммо хулосасида ҳам, ҳисоботда ҳам қоидабузарликларнинг кичкинагина қисмини акс эттириб қўя қолган, ишнинг ҳақиқий ҳолатини бежаб кўрсатган, бу билан юз миллионлаб ўғрилиқни хаспўшлаб кетган.

Фикримча, бундай салбий хулосани ҳам, ҳисоботни ҳам сохта деб топиш керак. Ана шунда аудитор зиммасида, берилган салбий аудиторлик хулосасига қарамай, қилган иши учун жавобгарлик ётади. Менимча, бу адолатли иш бўлар эди. Зотан бундай ҳоллар ўпкаси шамоллаган беморга томоғи оғрияпти деб сохта ташхис қўйиш билан баробардир.

Одатда, ички назорат номигагина мавжуд бўлган, раҳбар эса пул учун ҳамма нарсага тайёр ташкилотда шундай бўлади. Лекин бу йўсин иш тутиш яхшиликка олиб келмайди – пировард натижада мижоз судга тушиб, қора курсида ўтириши, аудиторлик ташкилоти эса лицензиядан маҳрум бўлиши мумкин. Шундай бўлди ҳам. Бунақа «мутахассислар» сабабли касбимиз обрў-эътиборига раҳна тушмоқда, бошқа аудиторлар тўғри ва инсофли эканликларини исботлашга мажбур бўлмоқдалар.

Барибир аудиторлар орасида тўғри ишлайдиган, ҳалол ва инсофилари кўп. Улар ўз ишига ниҳоятда содиқ. Мижозга бизнесни тўғри юритишда, ҳалол йўл билан мўмайгина фойда олишда улар ҳамиша ёрдам бериб келмоқдалар.

Марина КОНДРАТОВА,
«Marikon Audit» МЧЖ менежери.

АКЦИЯДОРЛАР АЖРАЛГАНДА

ИШНИНГ МОҲИЯТИ

«Х» ОАЖ (бундан кейин – Даъвогар) Тошкент хўжалик судига «К» ЁАЖга (бундан кейин – Жавобгар) нисбатан даъво билан мурожаат қилди, унинг манфаатларини эса консалтинг фирмаси (бундан кейин – Юрист) ҳимоя қиларди. Даъвогар суддан унинг даъвосини қаноатлантириш мақсадида куйидаги учта ишни бирлаштиришни сўради.

1. Жавобгар ўзининг акциядорларини бўлғуси ўзгартириш ҳамда акциядорлар ўзларига тегишли бўлган акцияларни «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг (бундан кейин – 223-1-сон Қонун) 44–45-моддаларига мувофиқ сотиб олишни

талаб қилишга ҳақли эканликлари тўғрисида хабардор қилди. Жавобгарнинг акциядори бўлган Даъвогар Жавобгар акциядорларининг умумий йиғилишида иштирок этиб, кун тартибида «К» ЁАЖни «К» МЧЖга айлантириш масаласи бўйича овоз беришда бетараф бўлди. Шунга асосан у суддан Жавобгарни ўзига тегишли бўлган барча акцияларни бозор баҳосида сотиб олишга мажбурлашни илтимос қилди.

2. Жавобгар акциядорларининг умумий йиғилиши XXXX йилдаги фойдани муассислар ўртасида уларнинг жамият устав фондидаги ҳиссаларига мутаносиб тарзда тақсимлаш тўғрисида қарор қабул

қилди. Унга асосан Даъвогар Жавобгардан ўзининг дивидендлари суммасини «Х» ОАЖнинг ҳисоб-китоб рақамига ўтказишни сўраган.

3. Жавобгар билан Даъвогар ўртасида Жавобгарнинг Хитой Халқ Республикасидаги «А» ҚК устав фондидаги улушини ўтказиш шартномаси тузилган. «А» ҚК иштирокчиларининг умумий йиғилиши Даъвогарни ҚК муассислари таркибига киритиш тўғрисида қарор қабул қилди. «А» ҚК тугатилиши муносабати билан устав фондидаги улуш суммаси Жавобгарнинг ҳисоб-китоб рақамига қайтарилган. Шу боис Даъвогар суддан унинг «А» ҚК устав фондидаги ҳиссасини қайтаришни сўради.

ДАЪВОГАРНИНГ ПОЗИЦИЯСИ

223-1-сон Қонуннинг 44-моддасига кўра овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар АЖ қайта ташкил этилган тақдирда ўзларига қарашли акцияларнинг ҳаммаси ёки муайян қисми жамият томонидан қайтариб сотиб олинишни талаб қилишга ҳақлидир. Даъвогар ўзининг ҳуқуқидан фойдаланиб, Жавобгар унинг барча акцияларини сотиб олишни талаб қилди. 223-1-сон Қонун 45-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларига биноан Жавобгар акцияларни акциядорларнинг умумий йиғилиши қарор қабул қилган кундан бошлаб 75 кундан кечиктирмай сотиб олиши керак.

XXXX йил якунлари бўйича «К» ЁАЖ акциядорлари умумий йиғилишининг баённома қарорига асосан Жавобгар Даъвогарга дивидендларни соф фойдани тақсимлаш ҳисоб-китобига кўра тўлаши керак эди. 223-1-сон Қонун 56-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ дивидендларни тўлаш муддати бундай қарор қабул қилинган кундан бошлаб 60 кундан ошмаслиги керак.

Даъвогарга Жавобгарнинг «А» ҚКнинг устав фондидаги улушини ўтказиш шарт-

номаси ЁАЖ қарзини сўндириш мақсадида тузилган эди. «А» ҚК иштирокчиларининг умумий йиғилиши ўзининг баённомаси билан Даъвогарни ҚК муассислари таркибига киритишни тасдиқлади. «А» ҚК тугатилиши муносабати билан устав фондидаги Даъвогарнинг улуши Жавобгарнинг ҳисоб-китоб рақамига ўтказилган, чунки «Х» ОАЖни «А» ҚК иштирокчиси сифатида ХХР қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш охирига етказилмаган. Даъвогар Жавобгарга хат билан мурожаат қилиб, «А» ҚКнинг устав фондидаги ўз ҳиссаси суммасини қайтаришда ёрдам беришни сўради. Жавобгар ўз жавоб хатида Даъвогарнинг ҚК устав фондидаги ҳиссаси юқоридаги сабабга кўра ўзининг ҳисоб-китоб рақамига ўтказилганлигини тасдиқлади ва мазкур суммани Даъвогар ЁАЖ устав фондида киритган сумма сифатида қайта расмийлаштиришни таклиф қилди.

Даъвогар Жавобгарнинг мазкур таклифини қабул қилмади ва «А» ҚК устав фондидаги ҳисса суммасини қайтаришни талаб қилди.

ЖАВОБГАРНИНГ ПОЗИЦИЯСИ

223-1-сон Қонуннинг 45-моддасига кўра жамият акцияларни сотиб олишга йўналтирадиган маблағларнинг умумий суммаси акциядорларда ўзларига тегишли акцияларни сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқининг юзага келишига олиб келган қарор қабул қилинган санада АЖ соф активлари қийматининг 10%идан ошмаслиги керак. Агар сотиб олиниши тўғрисида талаблар эълон қилинган акцияларнинг сони 10%дан ошса, улар акциядорлардан эълон қилинган талабларга мутаносиб тарзда сотиб олинадилар. Даъвогардан ташқари яна икки иштирокчи ўз акцияларини сотиб олиш талабини қўйганлиги, бир акциядор эса тугатилганлиги ва қонун ҳужжатларига мувофиқ Жавобгар унинг улушини депозит ҳисобрақамига қайтариши шартлиги сабабли Даъвогар қиймати қарор қабул қилинган пайтда Жавобгар соф активларининг 1/4 қисмини ташкил этадиган акциялар бир қисмини сотиб олишни талаб қилишга ҳақлидир.

Даъвогарнинг XXXX йил якунлари бўйича унга тегишли дивидендлар тўланмаганлигига оид вазлари асосиз, чунки Жавобгар ўзининг тўлов топшириқномаси би-

лан унинг ҳисоб-китоб рақамига уларнинг бутун суммасини ўтказган.

Даъвогар предмети «А» ҚК устав фондидаги Жавобгар улушининг бир қисмини унга ўтказиш бўлган шартномани кўрсатмоқда. Шартномага кўра тарафлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоб Жавобгарга «А» ҚК устав фондидаги улуш қийматини 10 банк куни мобайнида Марказий банк курси бўйича сўмда тўлаш йўли билан амалга оширилган. Муассислар умумий йиғилишининг устав фондидаги улушни бериш баённомасини имзолаш санасида, унинг 3.1-бандига кўра, Жавобгар шартнома мажбуриятларини бажарган. «А» ҚК муассисларининг умумий йиғилиши Даъвогарни муассислар таркибига киритиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бироқ Даъвогар шартнома мажбуриятларини бажармади – Жавобгарга унинг улуши қийматини тўламади. Шу сабабли Фуқаролик кодексининг 256-«Мажбуриятларни муқобил суратда бажариш» моддасига асосан Жавобгар юқорида айтилган шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўхтатди ва кейинчалик уларни бажаришдан бош тортади.

СУДНИНГ ҚАРОРИ

Даъвогар Жавобгарни ўзига тегишли бўлган барча акцияларни бозор баҳосида сотиб олишга мажбур қилиш, ундан ОАЖнинг XXXX йилдаги фаолияти якунлари бўйича ҳисоблаб ёзилган дивидендларни ундириш ва «А» ҚКнинг устав фондидаги Даъвогар ҳиссасини қайтаришга мажбур қилишни сўради.

Жавобгарнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи Юрист судда сўзга чиқиб, даъво талабларини қисман тан олди, қонун ҳужжатларига мувофиқ акциялар бир қисмини сотиб олиш «К» ЁАЖ соф активлари қийматининг 1/4 қисми миқдоридан амалга оширилишини тушунтириб, даъвонинг қолган қисмларини қондиришни рад этишни сўради.

Биринчи инстанция суди иш материалларини ўрганиб, тарафларнинг вазларини тинглаб ва муҳокама қилиб, қонун ҳужжатлари қоидаларини таҳлил қилиб, шундай қарор қабул қилди:

«Х» ОАЖнинг «К» ЁАЖга нисбатан барча акцияларини бозор баҳосида сотиб олиш, ҳисобланган дивидендларни ундириш, «А» ҚК устав фондидаги ҳиссасини қайтариш тўғрисидаги даъво талабларини қондириш рад этилсин.

ЮРИСТНИНГ ШАРҲИ:

223-1-сон Қонуннинг 44-моддасида акциядорга жамият томонидан ўзига тегишли акцияларни сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқини берадиган асослар рўйхати келтирилган. Олий суд ва Олий хўжалик суди кўшма Пленумининг 31.03.2005 йилдаги 02/124-сон қарори² 16-бандининг тўртинчи қисмига кўра асосларнинг мазкур рўйхати батафсил ҳисобланади.

223-1-сон Қонуннинг 44-моддасига кўра «...овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар, башарти акциядорлар жамиятни қайта ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинишига қарши овоз берган бўлсалар ёки овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлсалар, ўзларига қарашли акцияларнинг ҳаммаси ёки муайян қисми жамият томонидан қайтариб сотиб олинишни талаб қилишга ҳақлидир».

¹26.04.1996 йилдаги 223-1-сон.

²«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида».

Суд мажлиси давомида аниқланишича, Даъвогар «К» ЁАЖ акциядорларининг навбатдаги йиғилишида иштирок этган ва ЁАЖни МЧЖга айлантириш тартиби ҳамда шартлари масаласи бўйича овоз беришда бетараф бўлган. Бундай ҳолда 223-1-сон Қонуннинг 44-моддасига кўра Даъвогарда акциялар сотиб олинишни талаб қилиш ҳуқуқи юзага келмаган. Айни шу сабабли Жавобгарни «Х» ОАЖга тегишли акцияларни сотиб олишга мажбур қилиш қисмида унинг талаблари қондирилмайди. Жавобгарга нисбатан унга Даъвогарнинг «А» ҚК устав фондидаги ҳиссасини қайтариш талаби ҳам қондирилмайди, зеро Даъвогар амалда «А» ҚК иштирокчиси ҳисобланмаган, унинг давлат рўйхатидан ўтказилиши қонун билан белгиланган тартибда амалга оширилмаган ва у судга Жавобгар улушининг қиймати тўланганлигини тасдиқлайдиган далилларни тақдим этмаган.

Лилия РИЗВАНОВА, Алишер УБАЙДУЛЛАЕВ, Темур ТУРСУНОВ,
«VICTORI YURCONSALT» МЧЖ юрисконсултлари.

Реклама



Ахборот-қидирув тизими

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИГИ

Харид қилиш масалалари бўйича куйидагиларга мурожаат қилинг:

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1, 6-қават. Тел. (998 71) 283-23-74. E-mail: info@norma.uz, web:www.norma.uz

Воқеа иккинчи жаҳон урушидан олдинги йилларда Россиянинг чоғроқ сокин шаҳрида содир бўлган экан. Эрта тонгда шаҳар милиция бўлимига яхшигина ичганлиги афти-ангоридан кўриниб турган ёш йигит ҳовлиқиб кириб келибди. Хотиним йўқолиб қолди – кечаси орамиздан гап қочиб, уришиб қолган эдик, шу чиққанча қайтиб келмади, деди у ҳаяжонини боса олмай. Навбатчи рафиқангиз уч кун ичида пайдо бўлмаса, шундан кейингина қидирувни бошлаш мумкин деб тушунтириб, уйига қайтиб дам олишни маслаҳат берди. Таассуфки, орадан уч кун ўтганидан кейин ҳам аёлдан дарак бўлмади.

Қидирув ишини очишга тўғри келди. Бундай ҳолларда даставвал унинг эрини текшириб кўрадилар. У хотини билан тез-тез жанжаллашиб туришини ҳам яширмаган эди. Навбатдаги жанжалдан кейин хотини уйдан чиқиб кетган экан. Бу аёл ниҳоятда кўҳлик бўлиб, энгил табиатлироқ эди – атрофида айланишадиганлар кўп: ҳаммасига ноз-карашма қилаверар экан. Эрининг рашкини кўзгатадиган қилиқларни ҳам кўп қилар, уйига алламаҳалда сархуш ҳолда келар эди. Таниш-билишлар уни кўпинча бошқа эркаклар даврасида кўришарди. Эрининг ўзи ҳам уни неча марта зиёфатларда бегоналар билан кўрган экан.

Кўни-кўшни ва таниш-билишлар ҳам аёлнинг хулқи туфайли эр-хотинлар ўртасида тез-тез жанжал бўлиб туришини айтишди. Аёл йўқолиб қолган кеча кўшнilar уларнинг квартирасидан қичқириқ товушларини эшитишибди, кейин гўё полга алланарса тушиб кетгандек нимадир гўмбурлабди. Йигит ўша кеча рафиқангиз яна уйига кеч, сармаст ҳолатда келганлигини, жанжал шундан келиб чиққанлигини тан олди. Йигит ҳатто ўзини тута олмай, хотинини қулочлаб урганлигини ва у полга йиқилганлигини ҳам рад этмади. Шундан кейин жувон ўрнидан тура солиб, «Бу ишинг учун ҳали кўп ачинасан!» деганича квартирадан отилиб чиқиб кетган.

Текширувда аёлнинг паспорти, пул тўла ҳамён солинган сумкаси, кийим ва тақинчоқлари – ҳамма-ҳаммаси шундоққина уйда қолганлигини кўрсатди. Бу-

нақа табиатли аёл буларни қандай қилиб қолдириб кетиши мумкин? (Тўғри, эри кейинчалик қандайдир харид учун ажратиб қўйилган пуллари йўқолганлигини айтди, лекин буни амалда исботлаб бўлмасди).

Буларнинг ҳаммаси тергов олиб бораётганларда хотинининг ғойиб бўлишига эри дахлдор деган шубҳани мустаҳкамларди. Қолаверса, аёлнинг қариндош-уруғлари ҳам уни эри ўлдирган деган фикрда бўлиб, йигит уни қаттиқ жазолашни талаб қилишарди.

Квартирада тинтув ўтказилганда, ювиб ташланган қон излари, ваннахонада эса

гаплар ҳам уни ўз сўзидан қайтара олмади. Оқибат-натижада иш айблов хулосаси билан бирга судга оширилди. Суд эса йигитни жанжал оқибатидаги қотилликда айбдор деб топди. Судланувчи айбини бўйнига олмаганлиги ва пушаймон бўлмаганлиги учун ҳам уни 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилдилар.

У жазо муддатини ўтаб бўлганидан кейин қадрдон шаҳрига қайтишни хошламади. Бошқа шаҳарга бориб ишга жойлашди, ётоқхонадан жой олди, кўрқинчли туш мисол бўлиб ўтган воқеаларни унутишга ҳаракат қилиб, ҳаёт кечира бошлади.

ганлиги оқибатида шу ишни содир этганлигини айтиб, айбини тўлиқ бўйнига олди. Шу сабабли тергов узоққа чўзилмади.

Ҳатто терговчининг ўзи ҳам айбланувчига ачинди. Лекин бу сафар қотиллик содир этилганди. Гарчи битта жиноят учун икки марта жазо берилмаса-да, қотилни шундоққина озодликка чиқариб бўлмасди. Иш судга юборилди. Суд бу ҳийла мураккаб вазиятни ҳал этиши лозим эди. Ўшанда ўқитувчимиз судьянинг ўрнида сизлар нима қилган бўлардингизлар деб бизга савол бергани, бизлар узоқ баҳслашганимиз, ҳар ким ўзининг ҳақ эканлигини исботлашга урингани, айбдор деб топиш керакми-йўқми, ҳукм қилиш керакми-йўқми – роса тортишганимиз ҳали-ҳали эсимда.

Суднинг қарори биз мўлжал қилганимиздан ҳам жўнроқ бўлган экан: у судланувчини айбдор деб топган ва қасддан содир этилган қотиллик учун унга 10 йил озодликдан маҳрум этиш жазосини белгиланган. Сўнгра суд судланувчининг муддатни ўтаб бўлганлигини эътиборга олиб, залнинг ўзидаёқ уни йиғилганларнинг гулдурас қарсақлари остига озод қилган.

Судланувчининг қилмишини малака борасида баҳслашиш, тортишиш мумкин деб ўйлаймиз. Негаки, моҳиятан олганда, бу одам қотилликни жазаво ҳолатида – тўсатдан юзага келган кучли руҳий ҳаяжон ҳолатида содир этган. Бу эса бутунлай бошқа модда билан малакаланади ва, табиийки, жазо чораси ҳам бошқача бўлади. Аммо буларнинг ҳаммаси, юқорида айтганимдек, анча олдин бўлиб ўтган гаплар... Ҳикоя қилинган воқеа эса судловда хатоликка йўл қўймаслик учун тергов ва суд йиғилган далилларни ниҳоятда синчковлик билан, танқидий асосда баҳолаши зарурлигига ибрат бўлиши мумкин. Бордию, хатолик ўтган бўлса, қонунни асло бузмаслик учун хатоликни тезда тузатиш лозим.

Ольга МАРШАНСКАЯ,
Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Республика суд экспертизаси
марказининг давлат суд эксперти.

БИТТА ҚИЛМИШ УЧУН ИККИ МАРТА ЖАЗОЛАМАЙДИЛАР

Ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз. Баъзан бундай қараганда, айбдорни беҳато кўрсатаётгандек туюлувчи далиллар судловда хатоликка олиб келади. Хатони эса тузатмоқ даркор... Талабалик йилларимиз семинар машғулотига мўътабар профессоримиз судловдаги хатолик ва уни тузатишнинг ажиб бир мисоли тариқасида қизиқ бир воқеани гапириб берган эди.

бир тутам соч, ахлат ташланадиган челақда қон доғлари ва пичоқ билан шикастланган кўйлак топилгач, эрнинг айбдорлиги борасида шубҳаларга ўрин қолмади. Йўқолган аёлни қидириш ҳеч қандай натижа бермади. Қариндош-уруғ ва таниш-билишлар ўша кундан буён аёлни кўришмаган, у ҳақда ҳеч қандай хабар эшитишмаган ҳам.

Тўпланган далилларни эрга кўрсатишди. Бундай қараганда, унинг айбини тан олиб, пушаймонлигини айтишдан бўлак йўл қолмаганди. Далиллар рад этиб бўлмасдек туюларди. Хотинининг пичоқ тикилган ва қон излари бўлган кўйлаги қаёқдан пайдо бўлиб қолганлигини у тушунтириб бера олмади. Қизиги шундаки, айбини қатъиян рад этарди. Кўп соатли чапараста сўроқлар ҳам, айбини бўйнига олиб, судга бориш жазони энгиллаштирувчи ҳолат эканлиги ҳақидаги

Дунё тор деганларича бор. Бир куни у кўчада... хотинини кўриб қолди. «Жабрдийда» янада очилиб кетган, аввалгидан ҳам гўзалроқ эди. Юзма-юз келгач, 10 йил колонияда ўтириб чиққан собиқ эр довдираб қолди, аёл эса «Қалай, яхшилаб жазоингни бердимми?» – деди жилмайиб. Бу гапни эшитиб, эр ўзини тутиб тура олмади, қўлига тушган тош билан хотинининг бошига туширди. Аёл бўй баравар асфальт йўлга йиқилди. Эркак яширинишга уринмади ҳам, чор атрофга йиғилган одамлар уни тутиб олишига қўйиб берди. Милиция машинаси етиб келгани ҳамони у ўзини айбдор деб тан олди. Хотин шифохонага олиб борилгач, тез орада жон таслим қилди.

Айбланувчи суюқоёқ хотини туфайли 10 йил бошидан кечирган аламлари оқибатида ўзини тутиб тура олма-

Эълонлар

СОТИЛАДИ

Совуткич камера 3600 м³. 1 йилда ўзини оқлайди (850 000)*. Тел.: 926-32-23.

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*. Тел. (+998 90) 370-63-06.

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил

этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*. Тел.: 281-52-39, (+998 90) 346-16-89.

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*. Тел. (+998 90) 346-16-89.

ХИЗМАТЛАР

Дарвозалар, тўсиқлар, панжараларни жимжимадор қилиб ясаш. Арзон. www.golden-kovka.uz. Тел. (+998 90) 955-68-02.

Сервис маркази. Принтерлар, компьютерлар, мониторларни таъмирлаш, картрижларни тўлдириш. Жойига чиқиш билан. Тел. 996-77-87.

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш.

Тел.: 233-74-95, 233-17-56, 236-76-46.

Солиқ органига, туман статистика бўлимига, Халқ банкига топшириладиган электрон ҳисоботлар учун дастурларни ўрнатиш, сошлаш.

Тел. 963-89-58.

*Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАХАТЧИ ХУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш.,
Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 283-44-27
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: gazeta@norma.uz,
normapress@mail.ru
www.norma.uz
Навр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи назарига мос келмавермайди.

Тахририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.

«Norma маслаҳатчи»да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «Norma» газеталари бирлашган тахририяти МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета тахририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида «TOPPRINT» МЧЖ босмаҳонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).

Индекс – 186 Буюртма 679 Адади 2 744. Баҳоси келишилган нархда
Газета 2012 йил 24 декабрда соат 16.30 да топширилди.

ISSN 2010-5223